

## **Эр-хотин муносабатлари психологияси**

Чирчиқ ОТҚМБЮ

Ўзбекистон психологлар ассоциацияси аъзоси,  
“Ҳарбий психология” кафедраси психологи

Эргешов Махмуд Мислимович

Оила хусни – келишув.

Оиланинг завқи – боғлиқлик.

Оиланинг қувончи – муҳаббат.

Оиланинг қонуни – меҳнат.

Оила фароғати – мамнун диллар.

### **«Аёллар эркакларга яратганинг омонатидир»**

*Кучли рашик ҳамто ҳасаддан ҳам қўпроқ зарар келтириши мумкин*

«Тўйдан кейин боламнинг меҳрини бирор билан бўлишиш – бу даҳшат!» Кундалик ҳаётимиизда деярли ҳар бир янги оила она рашки билан тўқнашади. Аслида ҳар қандай она фарзандини ўзгалардан қизғанади. Лекин бу туйғу кўпинча хукмдор табиатли ёки шахсий ҳаётини йўлга қўёлмаган, ўзини фақат фарзанд тарбиясига бағишлаган аёлларда, ёлғиз оналарда жуда яққол кўзга ташланади. Улар доим фарзандини назорат остида ушлашга интиладилар ва унинг оила қуриш ниятини ваҳима билан кутиб оладилар. Чунки бу она ҳаётида кучли рақиб пайдо бўлишини англатади ва табиийки, тўйдан кейин эркатои фақат унга қулоқ соладиган итоатли ўғил бўлмай қолиш хавфи таҳдид солади. Хуллас онанинг бундай хавотирлари бир сўз билан «рашк» дейилади. Кимлардир бунга кўнишиб, оила инқирозининг томошабинига айланса, яна кимдир исён кўтаради ёки бу вазиятдан чиқиш йўлларини излайди.

Она – бола, то фарзанд ўзи оила қурмагунча, маънан ва жисмонан яқин бўлишади. Онанинг болага меҳр изҳори икки хил: айримларда меъёрий, яна айримларда эса ҳаддан ошган тарзда намоён бўлади. Боласини ўзидан маълум масофада сақлаб вояга етказган оналарда рашк кучсиз бўлади, гарчи боласи кап-катта бўлса ҳам, бағрига босиб, эркалаб, сийпалайверган она ўта рашкчи бўлади. Фарзанди ҳали уйланмасиданоқ она бўлажак келинини ёмон

кўриб қолиши олдиндан маълум. Негаки, тўйдан кейин «болажони»нинг узоқлашишини тасаввур қилишнинг ўзи онага азоб беради, айниқса унинг бошқа суюнчиғи бўлмаса. [1,2,3]

Александр Дюма таъкидлаганидек: «Рашк бошқалардан қўра ўзига кўпроқ азоб бериш санъатидир». Шундай экан, рашкчи оналарга психологлар тавсия қиласидар: рашкингиз меъёридан ошаётганлигини сезганингиз заҳоти, жуда бўлмаса, уйингиздаги мебеллар жойини ўзгартиринг, маданий ҳордик чиқаринг, кўпроқ давраларда бўлинг.

Оилавий муносабатлар икки киши эр ва хотин орасидаги ҳиссиётларга асосланиб шаклланади. Агар ҳиссиётлар ортда қолиб, ҳаёт муаммолари устун келиб, эр ўзини терговчи сифатида тутса, хотинини доимий тергов остида ушласа ёки хотини доимо моддий муаммолар, бойлик, рўзгор ҳисоб-китобини қилиб эрни доимо тергаса бир-бирларига бўлган ҳис-туйғу йўқолиб кетади. Инсон баъзида ўзига яқин бўлган одамларни тушунмайди. А.Грин ўзининг асаларидан бирида «Бизнинг ички дунёмиз камдан-кам одамни қизиқтиради»-деди.

Эр-хотин бир-бирларини жуда яхши биладиган, тушунадиган-деб ўйлашади. Аслида эса яқин одамни ички дунёсини қўра билиш уни тушунишни хоҳлашмайди. Эр-хотин турмуш кўриб, жисмонан бир-бирига яқинлашгани билан қалбан яхшилик бу бошқа нарса. Бу яқинликка эришиш учун унга интилиш, қизиқиш ва яқин одам билан доимо сухбатда бўлиш, сухбат орқали уни ички дунёсига кира олиш керак. Бу муносабатлар қизиқувчан, эркин ва teng хуқуқли инсонлар орасида пайдо бўлади.

Инсон турмуш кўришдан олдин бу ҳаётда ўзининг дунёқарашига эга бўлади. У ўзи учун азиз ва қимматли нарсаларни белгилаб қўяди, шунинг учун ўз ёнида тушунадиган, унинг ғурурига тегмайдиган, дунёқарashi устидан кулмайдиган, таъна қилмайдиган кўпинча яқин бир инсон бўлишини истайди.

«Суфий»лар ривоятига қўра «Бир қари ит ёш итнинг ўз душманини тишлиш билан овора бўлаётганини кўриб-нима қилаяпсан деб сўрабди.

Жавобан: Мен ҳаёт фалсафасини топдим, ўрганиб чиқдим. Мен ҳаётда итлар учун энг яхши нарса, бахт эканини тушундим. Менинг бахтим эса думимда, шунинг учун думумни тутсам бахтим ўзим билан бўлади дебди. Бунга жавобан қари ит – ука, мен бу фалсафа билан олдиндан танишман. Мен ҳам бахт бу энг яхши нарса ва менинг бахтим думумда эканини тушундим. Лекин мен нима қилсам ҳам, қаерга борсам ҳам бахтим ёнимда, думум мен билан бирга бўлишини англадим ва унинг кетидан қувишни бас қилдим – дебди. »

Шунинг учун оилавий муносабатларни мустаҳкамлашда қуйидаги факторларга эътибор қаратиш керак:

1. Эр-хотин оилани сақлашга интилиши.
2. Оилавий ишларда ташаббус кўрсатиб, ўз ҳиссасини иккаласи ҳам баровар қўллаши.
3. Оилавий манфаати йўлида келишиб иш қилиш.
4. Мавжуд бўлган муаммоларни оилани унутмаган ҳолда у билан биргаликда ечиш.
5. Қийин ва оғир кунларида бирга бўлиш, бир-бирини қўллаб - қувватлаш.

6. Эр-хотин ташқи кўринишида эстетик жозибаликни сақлаш. Оилада ўзини тута билиш.

7. Оилада ишонч, қувонч, меҳр-оқибат шароитини яратиш.

Оила бахтли бўлишида турмуш қўрганлар бир-бирларига дўстона муносабатда бўлиши мухим аҳамиятга эга. Чунки, ёшлиқда турмуш қўриб, ийллар давомида икки шахс бир-бирига боғланиб қолади. Улар бир-бирини тарбиялади, бир-бирини ўрганади. [4]

Ўз уйига боғланган, эрига ҳамиша итоатда бўлган, ўзига қараган, уйини тартибли ва ораста сақлаган, болаларига чиройли тарбия берган, оиласини бахтиёр қила олган аёл хотинларнинг энг яхшисиadir. Айниқса, эрининг ўзидаги хақларини яхши билиб, уларни бекаму – кўст адo этсагина хотин рафиқалик бурчини бажарган бўлади. [5]

*«Кимки аёлини юзига табассум билан боқса, унга ўн савоб ёзилади, ўпса йигирма савоб, қовуыша уч юз савоб ёзилади. Бирга бўлгандан сўнг гусл қилганларида, сувнинг ҳар томчиси учун битта фариишта яратиласди. Бу фариишталар эр-хотин ҳақига қиёматгача истиғфор айтадилар».*

*«Бир киши аёлига муҳаббат билан боқса ва аёли ҳам унга шу кайфиятда юзланса, Аллох таоло иккаласига ҳам раҳмат назари билан қарайди. Ва қўлларини қўлларига қўйганларида иккисининг ҳам гуноҳлари бармоқлари орасидан тўқилиб кетади».*

### ***«Сахихи Муслим» дан***

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. О. Турмуҳамедова Кўнгил хотиржамлиги. – Т.; 2014.
2. О. Турмуҳамедова. Ойнинг ёргуғ кунлари. – Т.; 2015.
3. Ф.У. Шоумаров. Оила психологияси. – Т.; 2007.
4. З.Т. Нишанова Мустақил ижодий фикрлаш. – Т.; 2003.
5. Ш.А. Дўстмуҳамедова, З.Т. Нишанова, С.Х. Жалилова, Ш.Т. Каримова, Ш.Т. Алимбоева. Ёш даврлари ва педагогик психологияси. – Т.; 2013.